



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 4761-8762-e3d6-efb1-d949-9813-0655
Хужжат яратилинган сана: 2022-07-29
Ариза рақами: 56408210



Хужжат берилган: "DANG'ARA TUMAN
OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" JAMOAT
BIRLASHMASI
ЖШ ШИР: 206940997

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ
ТОПШИРИҒИ**

29.07.2022 17:47 й.
1730-1730236-47200 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	Тик сизот сув қудуғи
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Данғара тумани Қизилмушт м.ф.й. худуди
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	"DANG'ARA TUMAN OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" жамоа бирлашмаси

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри С.Темур кўчаси 111-Б-уй тел. 91-138-79-81

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	"DANG'ARA TUMAN OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" жамоа бирлашмасининг 22.07.2022 йил 56408210-сонли буюртмаси, Фарғона вилояти Данғара тумани хокимининг 13.07.2022 йилдаги 248-11-155-Q/22-сонли қарори.
2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тугган ўрни	Тик сизот сув қудуғи қазилиши учун рухсат берилган ер майдони Данғара тумани Қизилмушт м.ф.й.да қурилиши режалаштрилаётган кўп қаватли турар-жой бинолари худудиди, бош режага асосан аҳоли турар-жой пунктини чегара қисмида жойлашган. Қурилиши режалаштирилаётган тик сизот сув қудуғини электр тармоғи билан таъминлаш учун ДХМ орқали электр таъминоти корхонасидан техник шарт олиниб ушбу техник шарт асосида электр тармоғи учун лойиҳа ишлари бажарилиб, тармоқ тортилиши талаб этилади.

3	Лойиҳалаштириладиган объект хуудининг табиий-иқлим кўрсаткичлари	Данғара туманини иқлими континенталь. Қиш ойларида ўртача t-30Сдан жуда совуқ бўлса t-150Сгача бўлади. Ёзи иссиқ ўртача t+280С ошиғи билан t+35-400С, куз ва баҳорда шамоллар бўлиб, ёзда гармсель бўлиб туради 30÷35 метр секунд тезликда шамол бўлиб, ёмғир баҳор ва куз даврида ёғади. Момақалдиروق ҳам кузатилган йиллик ёғин 250 мм-400 мм атрофида бўлади.
4	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги	Қазиладиган тик сизот сув қудуғи учун рухсат берилган ер майдонини 1:500 нисбатдаги топохарита ишларини бажариш учун «O'ZGASHKLITI» Фарғона бўлими ёки рухсатномаси бўлган корхоналар томонидан буюртма асосида бажарилади.
5	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот	Тик сизот сув қудуғи қазилиши учун рухсат берилган ер майдони кўйидагича чегараланган: -шимоли томондан якка тартибдаги аҳоли турар жойлари билан; -жануб томондан лойиҳавий кўп қаватли уйлар билан; -шарқ томондан лойиҳавий кўп қаватли уй-жойлар билан; -ғарб томондан ариқни химоя хуудуи билан чегараланган.
6	«Қизил чизиқлар ва белгилар»	Жойни қизил чизиқ ва чегара нуқталари М 1:500 нисбатдаги топохаритада туман бош архитектори томонидан белгиланиб, Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси билан келишилганидан сўнг, тик сизот сув қудуғи қазилиши учун рухсат берилган ер майдонини белгилаб, тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизиқларига амал қилган холда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин.
7	Архитектура талаблари	-Лойиҳалашда шаҳарсозлик ШНҚ ва ҚМҚ меъёр ва қоидаларга амал қилинсин. -Лойиҳа ишларини бошлашдан олдин, қурилиши режалаштириладиган тик сизот сув қудуғини жойлашув (1:500 нисбатдаги топохарита) бош режаси санитария талаблари асосида жойлаштириб рангли тасвирда ишлаб чиқилсин ва вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳамда туман қурилиш бўлими билан келишилсин. -Лойиҳа ташкилоти томонидан бажарилган лойиҳа, архитектура режалаштириш топшириқларига асосан буюртмачи, вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан келишилган, тасдиқланган «лойиҳа топшириқларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин. -Қазилиши режалаштириладиган тик сизот сув қудуғини 1:500 нисбатдаги жойлашув бош режасини тузишда лойиҳа ташкилоти томонидан қурилиши режалаштириладиган иншоот туширилган ҳамда қудуқ атрофида темир панжара билан ўралиши ва ободонлаштириб кўкаламзорлаштириш ишлари акс эттирилиши ҳисобга олинсин.
8	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар	Тик сизот сув қудуғи қазилиши учун рухсат берилган ер майдонида бузилиши режалаштирилган бино ва иншоотлар мавжуд эмас.
9	Объектни босқичма-босқич қуриш	Лойиҳа ташкилоти томонидан тайёрланган қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (КТЭЛ)га асосан қурилиш ишлари босқичма-босқич олиб борилсин ва фойдаланишга топширилсин.


10	Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	-Шахарсозлик хужжатларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда қудуқ атрофига игна баргли, манзарали дарахтлар ва мавсумий кўркамлик даражаси бор бўлган кўчат ва гуллар ўтказилиши инobatга олинсин ва худудни техник иқтисодий кўрсатмалари бўйича таклифлар берилсин. -Кўкаламзорлаштириш худудларини ландшафт архитектурасига эътибор берган холда мавжуд дарахтлар ва янги экиладиган дарахтларга шакл берилсин. -Қазилиши режалаштирилаётган тик сизот сув қудуғи атрофини ёритишда замонавий электртежовчи ёритиш чироқлари ва усканаларидан фойдаланилсин.
11	Санитария-гигиена талаблари	-Лойиҳалаштиришда Сан ПиН 0350-17 санитария-гигиена талабларига асосан жойлаштирилсин. Лойиҳалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги инobatга олинсин. -Қазиладиган тик сизот сув қудуғи худудидан оқиб ўтувчи сув йўналиши ҳамда сувнинг муҳофаза этиш масофаларини сақлаш ва қирғоқларни ободонлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари лойиҳалаштириш жараёнида инobatга олинсин.
12	Ёнғиндан сақланиш талаблари	Қазилиши режалаштирилаётган тик сизот сув қудуғи иншоотини лойиҳаси ёнғиндан сақланиш хавфсизлиги талаблари, ШНК 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан бажарилсин.
13	Экология талаблари	Лойиҳалаштиришда экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилиш мақсадида атроф-мухитга тасири тўғрисидаги АТТА лойиҳаси (экологик лойиҳаларни бажариш учун рухсатномаси бўлган ташкилот томонидан) тайёрланиб, Вилоят экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармасининг эксперица бўлиmidан лойиҳани экспертга хулосаси олиниб, ушбу лойиҳада кўрсатилган талабларга амал қилган холда амалга оширилсин.
14	Лойиҳани келишиш	-Лойиҳа архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқлиги Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив Давлат хизматлари портали ёки Давлат хизматлари маркази орқали қуйидагилар билан келишилсин: -Вилоят қурилиш бош бошқармасига келишиш учун электрон шаклда қуйидаги хужжатлар такдим этилсин. -Лойиҳанинг архитектурага оид қисми тушунтириш хатида лойиҳа-смета хужжатида ёнғин хавфсизлигига, санитария-эпидемиология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича ва бошқа йўналишларда бажарилган ишлар акс эттирилади. -Қазилиши режалаштирилаётган тик сизот сув қудуғи иншоотини бош режаси Вилоят қурилиш бош бошқармаси билан келишилсин. - Тик сизот сув қудуғини жойлашув бош режаси қуйидаги мутасадди идоралар билан келишилган бўлиши шарт. -Вилоят сув хўжалиги бошқармаси -Вилоят СЭОМ туман бўлими - Вилоят ФВБ туман бўлими

15	Қўшимча талаблар	<p>-Лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳани келиши давомида Вилоят қурилиш бош бошқармаси ёки унинг ҳузурдаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан берилган тавсиялар ва экспертиза ҳулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этади. -Вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясига қурилиш ишларини бошлаш учун буюртмачи томонидан хабарнома юборилади. -Қурилиш даврида лойиҳа ташкилоти томонидан ишларни сифати устидан техникавий ҳамда муаллифлик назорати олиб борилиши таъминланади. -Қазилиши режалаштирилаётган тик сизот сув қудуғига замонавий энерготезовчи ёритиш чироклар ва усканалар ўрнатилиши лойиҳада инобатга олинсин. -Буюртмачи қурилиш ишлари тугагандан сўнг, объект ҳудуднинг ижро топотасвирини (ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолда) бажарилишини таъминлайди ва унинг бир нусхасини Вилоят қурилиш бош бошқармасига топширади. -Лойиҳалаш Сан ПиН 0244-07, Сан ПиН 0241-07, Сан ПиН 0246-08, ШНҚ 1.04.03-05, ШНҚ 2.07.01-03, ШНҚ 2.07.01-03*, ҚМҚ 1.02.07-97, ШНҚ 2.05.02-07, ҚМҚ 2.04.02-97; ҚМҚ 2.03.11-96; ҚМҚ 2.01.03.96, ҚМҚ 2.04.03-97, ҚМҚ 2.04.02-84 ЁХҚ-01-97, талабларига амал қилган ҳолда бажарилсин.</p>
----	------------------	---

Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:



16	Ичимлик сув тармоғи	-
17	Оқава сув тармоғи (канализация)	-
18	Электр тармоғи	-
19	Газ тармоғи	-
20	Телефон алоқа тармоғи	-
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	-
22	Дренаж тармоғи	-
23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар	<p>-Қурилиши режалаштирилаётган иншоотни муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомилларни белгилловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя этилиши таъминлансин. -Қазилиши режалаштирилаётган тик сизот сув қудуғи учун рухсат берилган ер майдони ҳудудидан ўтган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари кўчирилиши (зарурат бўлганда) лойиҳада инобатга олинсин. -Тик сизот сув қудуғи иншоотига уланадиган ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизишда кўчаларни ёпиқ ҳолда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин.</p>
24	Архитектура-режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига амал қилиш муддати тасдиқланган санадан бошлаб 2 (икки) йил.

Данғара тумани Қизилмушт МФЙ Гавхар кўчаси ҳудудида жойлашган
ер майдонининг қишлоқ хўжалиғи харитасидан
КЎЧИРМАСИ



Шартли белгилар

- Рухсат берилган ер майдони
- V — Мавжуд электр тармоғи
- II V — Лойihalанадиган электр тармоғи
- Топотасвир чегараси

		М - Б 1:10000
2022 й.	Фарғона вилояти қурилуш бори бошқармаси Ишхони: Тиле сийрати сув қудуги қазиси. Данғара тумани Қизилмушт м.ф.й. ҳудуди.	АРТ №
Бажарувчи		И.Арифов

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:	Игамбердиев Шухратжон
Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис:	Арипов Ибрагим

АРТ лойиҳаолди ҳужжат бўлиб, ер участкаси ёки бино ва иншоотга мулк ҳуқуқини тасдиқламайди ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун асос ҳисобланмайди.

KADIROV OTABEK ALIYEVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизмати шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари ка...

Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатни киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш о...

